

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.B.72.02 РАҚАМЛИ ИЛМий  
КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОДМОНОВ ФЕРУЗЖОН ҚАМАРИДДИНОВИЧ**

**ДЕНГИЗКЎЛ СУВ ҲАВЗАСИДАГИ БАЛИҚЛАР ТУРЛАРИНИ  
АНИҚЛАШ ВА УЛАРДАН ЎТХЎРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ  
БИОТЕХНОЛОГИЯСИ**

**03.00.12– Биотехнология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шодмонов Ферузжон Камариддинович**

Денгизкўл сув ҳавзасидаги балиқлар турларини аниқлаш ва улардан  
ўтхўрларини қўпайтириш биотехнологияси .....3

**Шодмонов Ферузжон Камариддинович**

Определение видов рыб водоёма Денгизкуль и биотехнология размножения  
их растительноядных разновидностей .....21

**Shodmonov Feruzjon Qamariddinovich**

Determination of fish species of the Dengizkul water body and biotechnology of  
the reproduction of their herbivorous variety.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.B.72.02 РАҚАМЛИ ИЛМий  
КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОДМОНОВ ФЕРУЗЖОН ҚАМАРИДДИНОВИЧ**

**ДЕНГИЗКЎЛ СУВ ҲАВЗАСИДАГИ БАЛИҚЛАР ТУРЛАРИНИ  
АНИҚЛАШ ВА УЛАРДАН ЎТХЎРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ  
БИОТЕХНОЛОГИЯСИ**

**03.00.12– Биотехнология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/B619 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бўриев Сулаймон Бўриевич  
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муродова Сайёра Собировна  
биология фанлари доктори, профессор

Жумаев Фарход Ҳожиқурбонович биология  
фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Хоразм Маъмун академияси

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.B.72.02. рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «28» 12 соат 19<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12; e-mail: [bsu\\_info@edu.uz](mailto:bsu_info@edu.uz), Бухоро давлат университети биноси, Блок № 1, 2 - қават, конференциялар зали).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 240 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12.

Диссертация автореферати 2022 йил «15» 12 кuni тарқатилди.

(2022 йил «15» 12 9 даги рақамли реестр баённомаси).



А.Э. Холлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор

Н.Э. Рашидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., доцент

Х.Т. Артикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда иқлим ўзгариши, табиий заҳираларнинг камайиши ва атроф-муҳитнинг ўзгариши шароитида аҳолини сифатли озиқ-овқат, айниқса балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу ўринда, ташқи ва ички сув ҳавзаларининг барқарорлигини таъминлаш, айниқса ички сув ҳавзаларидаги балиқ заҳираларидан самарали фойдаланиш, гидробионтлар биохилма-хиллигини сақлаш учун замонавий усуллар орқали балиқ маҳсулдорлигини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, табиий ва сунъий сув ҳавзалари, айниқса текисликда жойлашган кўллар ва сув омборларининг гидрокимёвий ҳолатини аниқлаш орқали улардан фойдаланишнинг самарали биотехнологик усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда биотик ва абиотик таъсирга учраётган сув ҳавзаларини чуқур мониторинг қилиш, улардаги гидробионтлар ҳолатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва бартараф қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, ўрганилган ҳудудларда тарқалган ички сув ҳавзалари гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатининг ўзгаришлари аниқланиб айрим гидробионтлар ёрдамида, жумладан, сув ўтларидан хлорелла, сценедесмус, юксак сув ўсимликларидан кичик ряска ва азоллалар асосида балиқчиликни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқилди. Балиқчиликни ривожлантириш нуқтаи-назаридан бундай сув ҳавзаларида учровчи ўтхўр балиқ турлари ҳамда тубан ва юксак сув ўсимликларини флорасини аниқлаш ва истиқболли турларини кўпайтиришнинг экологик-самарадор усуллари ишлаб чиқиш орқали балиқ маҳсулдорлигини биотехнологик усуллар асосда оширишнинг манбаи саналади. Шу нуқтаи-назардан сув ўсимликларининг озучабоп бўлган турларни кўпайтириш орқали олинган биомассани ўтхўр балиқларга қўшимча озуча сифатида қўллаш натижасида балиқ маҳсулдорлигини ошириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда республикаимиз сув ҳавзаларининг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатини мониторинг қилиш, балиқчилик тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз текислик қисмидаги кўллар ва сув омборларига карпсимонлар оиласига мансуб ўтхўр балиқ чавоқларини доимий равишда ўтказиш дастури амалга оширилмоқда, сув ҳавзаларини бошқариш тизими тубдан такомиллаштирилди, ички сув ҳавзалари кўллар ҳамда сув омборлари ресурсларидан фойдаланиш йўллари тартибга солинди ва сунъий сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Балиқчиликни ривожлантиришга оид вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорларида<sup>1</sup> жумладан, ПҚ-2939 қарорда «сунъий ва

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939 сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ – 4005 сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора –тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

табiiй сув ҳавзалар заҳираларидан самарали фойдаланиш», ПҚ–4005 қарорда «аквакультуранинг интенсив усуллари ривожлантиришга эътиборни кучайтириш» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Денгизқўлнинг ихтиофаунаси, гидрологик, гидробиологик ҳолати ва қўлдаги тубан ҳамда юксак сув ўсимлик турларини аниқлаш орқали улардан самарали фойдаланиш биотехнологик усуллари яратиш ва қўлнинг экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ва 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3823-сон «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тубан ва юксак сув ўсимликлардан таркибида физиологик фаол моддаларга бой бўлган турларни кўпайтириш ва сув ҳавзаларида балиқларга озуқа сифатида қўллаш борасида хорижлик олимлардан М.М. Watanabe (2005); С. J. Hulatt (2011); G. Mathew (2016); R.A. Leng (2019) ҳамда дунё сувликларида учрайдиган балиқ турлари, уларнинг морфологик, анатомик белгилари ва халқ хўжалигидаги аҳамияти тўғрисида В. Elvira (1997); J. Freyhof (2005); S. C. Kolar (2005); H.R. Moore (2008); D.C. Chapman (2011); M. Kottelat (2012); A. W. Owais (2015); J.S. Nelson (2016); C.G. Zhang; Y.H. Zhao; (2016), W.N. Eschmeyer (2017); S. Aslam (2017); R.K. Das (2018); R. Froese (2019); T. Muniya (2019); R. Fricke (2021) ва бошқалар томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатлари сув ҳавзаларида тубан ва юксак сув ўсимликларнинг тарқалиши, экологияси ва балиқларнинг сув ўсимликлари билан озикланиши бўйича тадқиқот ишлари Н.Н. Канода (1965); М.Д. Розмонова (1966); А.Э.Эргашев (1968); Д. В. Малашенков (2009); И. В. Митропольская (2010); М.Т. Бобоев (2018); Х. Мавланов (2019) ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Шунингдек, ички сув ҳавзаларида ихтиофаунани шаклланиш даражасини ўрганиш ва табiiй сув ҳавзаларида карпсимон балиқлар

поликультурасини ривожлантириш бўйича илмий маълумотларни С. К. Кожоева (2006); М. Ф. Вундцеттель (2012); А.К. Рустамов (2013); Т.Талевский (2014); Д.У. Карабекова (2016); С.П.Монахов (2017); В.Г. Терещенко (2019) томонидан бажарилган ишларда кўриш мумкин.

Ўзбекистондаги сув ҳавзаларида тарқалган сув ўсимликлари ва уларнинг фойдали хусусиятлари, таркибида физиологик фаол моддаларга бой бўлган турларни кўпайтириш, биомасса олиш, олинган биомассани қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланиш бўйича ҳам қатор тадқиқот ишлари А.Э. Эргашев (1960); А.М. Музафаров (1961); Т.Т. Таубаев (1970); С. Келдибеков (1981); М.А. (2007); С. Бўриев (2014); Х.Э. Эргашева (2015); Ҳ.Қ. Эсанов (2016); Д.С. Ниёзов (2017); Г.М. Сайфуллаев (2018); А.М. Қобилов (2020) каби олимларнинг илмий манбаларида ёритилган. Республика маҳаллий ихтиофауна вакиллари биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, ички сув ҳавзаларида балиқлар маҳсулдорлигини ошириш йўллари М.Абдуллаев (1989); Б.Ҳақбердиев (1994); Б.Й. Жумабаев (2006); Д.С. Ниёзов (2013); Б.М. Шералиев (2015); Б.Г.Камилов (2017, 2019); Б.К. Каримов (2019); М.Юлдашов (2019); Ж.Собиров (2019); И.М. Мирабдуллаев (2020, 2021); А.М. Қобилов (2021); Ҳ.М. Тошов (2021) тадқиқотларида ўз аксини топган.

Бироқ, келтирилган ушбу маълумотлар Денгизкўлнинг ҳозирги ҳолати - гидробиологияси, сувнинг кимёвий таркибини тўлиқ ўрганишга асос бўлиб хизмат қила олмайди. Денгизкўлнинг етакчи альгофлорасини ва юксак сув ўсимликларнинг турларини аниқлаш ва улардан физиологик фаол моддалар қиймати юқори бўлган турларни кўл сувида кўпайтириб, ўсимликхўр балиқларга озуқа сифатида қўллашнинг биотехнологик усуллари ишлаб чиқиш ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги**

Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети Биология кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Бухоро вилояти кўллариининг гидробиологик ҳолатини ўрганиш” № 16 (2019-2022) мавзусидаги режаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Денгизкўлнинг гидрокимёвий таркиби, балиқ турлари ҳамда юксак ва тубан сув ўсимликларининг етакчи турларини аниқлаш орқали истиқболли ўтхўр балиқлар турлари маҳсулдорлигини оширишнинг биотехнологик усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Денгизкўл сув ҳавзасининг контурлар кесимида гидрокимёвий таркиби ва тарқалган балиқ турларини аниқлаш;

кўлнинг фитопланктон турларини аниқлаш, *Chlorella vulgaris* (Beijerinck, 1890) ва *Scenedesmus obliquus* ((Turpin). Kützing, 1833) нинг альгологик тоза ҳужайрасини ажратиб, уларнинг кўл сувида кўпайиши ҳамда сувни орғано-минерал моддалардан тозалаш даражасини аниқлаш;

юксак сув ўсимликлари турларини аниқлаш орқали улардан *Lemna minor* (Linnaeus, 1753) ва *Azolla caroliniana* (Willdenow, 1810) нинг кўл сувида кўпайиши ва сувни орғано-минерал моддалардан тозалаш хусусиятларини

ўрганиш;

физиологик фаол моддаларга бой бўлган микроскопик ва юксак сув ўсимликларини лаборатория ва ярим ишлаб чиқариш шароитида кўпайтириш орқали уларни балиқчиликда ўсимликхўр балиқларга озуқа сифатида қўллаш;

Оқ дўнгпешона ва оқ амур балиқларини биотехнологик усулда етиштирилган тубан ва юксак сув ўсимликлари биомассасини озиқа сифатида қўллаш орқали ўтхўр балиқлар маҳсулдорлик даражаси ошириш;

Оқ дўнгпешона *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. ва оқ амур балиғини *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. биомассалари билан озиқлантиришнинг самарадор ва кам харажат усуллари ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Денгизкўлда учрайдиган, тубан сувўтларига мансуб *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. турлари, юксак сув ўсимликларидан эса *Lemna minor* L., *Azolla caroliniana* Willd. турлари ва балиқ турлари *Hypophthalmichthys molitrix* (Valenciennes, 1844), *Ctenopharyngodon idella* (Valenciennes, 1844) дан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предмети.** Бухоро вилояти Денгизкўл кўлидаги балиқ турлари, тубан ва юксак сув ўсимлик турлари, уларни кўпайтириш, сувнинг физик-кимёвий таркиби ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гидробиологик, ихтиологик, флористиканинг маршрутли, альгологик, лаборатория ва математик-статистик таҳлил услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Денгизкўл кўлида альгофлоранинг 4 бўлим, 9 синф, 19 тартиб, 25 оила, 32 туркумига мансуб 123 тури ва тур хиллари, юксак ўсимликларнинг 24 оилага мансуб 69 тури учраши, шундан 17 тури кўл сувида ва 52 тури унинг атрофидаги майда сув ҳавзаларида тарқалганлиги аниқланган.

Денгизкўл сувининг гидрокимёвий таркиби ва унинг мавсумий ўзгарувчанлиги аниқланган;

*Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. нинг альгологик тоза хужайраси, *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. юксак сув ўсимликлари ажратиб олиниб, лаборатория шароитида сувларни органино-минерал моддалардан тозалаш даражалари асосланган;

*Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz., *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. ларнинг турли озиқа муҳитларида кўпайиши ва юқори даражада биомасса ҳосил қилиш хусусиятлари очиб берилган;

илк бор, оқ дўнгпешона ва оқ амур балиқлари биотехнологик усулда етиштирилган тубан ва юксак сув ўсимликлари биомассасини озиқа сифатида қўлланган ҳолда оқ дўнгпешона 16,5 ва оқ амур балиғининг маҳсулдорлик даражаси 5,8-8,0 фоизга ошириш баҳоланган;

илк бор, оқ дўнгпешона *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. ва оқ амур балиғини *Lemna minor* L. ва *Azolla*



*caroliniana* Willd. биомассалари билан озиқлантиришнинг самарадор ва кам харажат биотехнологик усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кўлдаги сувнинг минераллашув даражасини пасайтиришда яшил сувўтлари *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. дан фойдаланишнинг экобиотехнологик хусусиятлари асосланган.

Фитопланктонлардан *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. лаборатория ва ярим ишлаб чиқариш шароитида кўпайтирилиб, ўсимликхўр балиқларга табиий озиқа сифатида қўллашнинг биотехнологик усули ишлаб чиқилган.

*Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. биотехнологик усулда кўпайтирилиб балиқларга озуқа сифатида қўллаш самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда замонавий тадқиқот усуллариининг қўлланилганлиги, йиғилган материаллар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, замонавий усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда диссертация тадқиқотининг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги, маҳсулдор балиқ турларини амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Денгизкўл ўсимликларининг турлар таҳлилини амалга оширилганлиги, кўлдаги озиқа бўладиган турлар тўғрисида кенг кўламли маълумот берилганлиги, озуқабоп турларни кўпайтириш ва улардан биомасса олиш ҳамда олинган биомассани балиқларга озиқа сифатида қўлланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Денгизкўл биохилма-хиллигини ўрганиш, муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, озуқабоп турлардан самарали фойдаланиш, балиқ маҳсулдорлигини ошириш орқали кўлнинг гидробиологик ҳолатини яхшилаш тўғрисидаги дастлабки маълумотлар олинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Денгизкўл сув ҳавзасидаги балиқ турларини аниқлаш ва улардан ўтхўрларини кўпайтириш биотехнологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. ўсимликлари Денгизкўлдаги “Жавоҳир Мирзо Саховат Балиғи” МЧЖ ва “Умиджон Чарос Файз” МЧЖ балиқчилик фермер хўжаликларида оқ дўнгпешона балиқларига озуқа сифатида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг 2022 йил 18 февралдаги №09/161-сон маълумотномаси). Натижада, балиқ маҳсулдорлиги қўшимча 100-104 кг/га дан 116-121,7 кг/га, яъни 16,5% га ошириш имконини берган.

Денгизкўл сув ҳавзасининг гидрокимёвий ҳолатини яхшилаш ва табиий озуқа базасини ривожлантириш учун “Жавоҳир Мирзо Саховат Балиғи” МЧЖ ва “Умиджон Чарос Файз” МЧЖ балиқчилик фермер хўжаликларида микроскопик сув ўсимликларидан *Chlorella vulgaris* Beijer.

ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. юксак сув ўсимликларидан *Lemna minor* L., *Azolla caroliniana* Willd. дан фойланилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 06 апрелдаги 02/23-665-сон маълумотномаси). Натижада, тажриба ҳовузларида насли ўтхўр ота-она балиқларининг стресс ҳолати камайиб, икраларнинг табиий оталаниш давригача сақланган она балиқлар увилдирик маҳсулдорлигини 22% гача ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда тадқиқотнинг ва предметига тавсиф берилган. Бажарилган тадқиқотнинг мамлакатимиз фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишга мослиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Ўзбекистоннинг текислик қисмидаги кўлларнинг ихтиофаунаси ва гидробиологик хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида хориж ва МДХ давлатлари шунингдек Республикамиздаги сув ҳавзаларида учрайдиган умумий балиқ турлари, ўтхўр балиқларнинг тур таркиби ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Сув ҳавзаларидаги тубан ва юксак сув ўсимликларининг учраши, тарқалиши ҳамда таркибида физиологик фаол моддаларга бой бўлган турларни ажратиб олиш, кўпайтириш ва балиқчиликда ҳамда турли соҳаларда қўллаш борасидаги қилинган тадқиқот ишлари батафсил ёритилган. Денгизкўл кўлининг географик жойлашуви, унга кирувчи сув миқдорининг мавсумий ўзгариши, кўл атрофидаги ва унга туташ сув ҳавзарининг сув билан таъминланиш даражаси ҳамда кўлда учрайдиган балиқларнинг озиқа базаси тўғрисида олиб борилган изланишлар адабиётлар асосида келтирилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби **“Тадқиқот материаллари ва услублари”** га бағишланган бўлиб тўртта бўлимдан иборат. Денгизкўл сув ҳавзасининг гидробиологик намуналар 2019-2021 йиллар давомида йиғилган.

Намуналар умумқабул қилинган гидробиологик, зоологик, ихтиологик, экологик, статистик ва таҳлил усулларида фойдаланилган ҳолда Бухоро давлат университети биотехнология ва гидробиология лаборатория шароитида қайта ишланди. Фитопланктон турларини аниқлашда Музаффаров, Мусаев 1965, Эргашев А.Э., 1979, Анисимова О.В., Гололобова М. А. 2006, аниқлагичлари орқали амалга оширилди.

Ихтиологик тадқиқотларни статистик ишлов бериш Microsoft Office Excel 2013 дастури ва умумий қабул қилинган математик усулда (Лакин 1990) таҳлил қилинди.


Диссертациянинг “Денгизкўл сувининг гидрокимёвий таркиби ва балиқ турларини аниқлаш ” деб номланган учинчи бобида Денгизкўлнинг гидрокимёвий таркиби ва ихтиофаунаси, тубан ва юксак сув ўсимликларининг қисқача систематик таҳлили, мавсумий учраши ва турли хил экологик гуруҳларда тарқалиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Денгизкўл сувининг гидрокимёвий таркиби ўрганилган. Ушбу таҳлил натижасига кўра сувнинг минералланиш даражаси 1,2,3-контур сувларида 5800 мг/л дан 10500 мг/л гача унга мос равишда хлоридлар-3360 мг/л дан - 5091 мг/л гача, сульфатлар -1903 мг/л дан 4460 мг/л гача бўлган микдорларни ташкил қилди. 4,5,6-контур сувларида минерализация даражаси 22400 мг/л дан 23000 мг/л гача, хлоридлар 14760 мг/л дан 15047 мг/л гача, сульфатлар 6315 мг/л дан 7080 мг/л гача ўзгариши аниқланди.

Кўлнинг доимий сув билан таъминланувчи контурларида (1,2,3-контур) сувда эриган кислород 6,0 мг/л дан 7,0 мг/л гача, кислороднинг биокимёвий сарфланиши 3,0 мг/л ни, рН 6,9 -7,4 гача тебраниши кузатилди. Кўлнинг асосий майдонини эгаллаган контурларида (4,5,6-контур) сувда эриган кислород 2,0 мг/л дан 2,3 мг/л гача, кислороднинг биокимёвий сарфланиши 3,0 мг/л ни, рН 8,0 ни ташкил этиши аниқланди.

Фитопланктон ва макрофитларнинг ўсиб, ривожланиши учун муҳим ҳисобланган минерал моддалар 1,2,3-контур сув намуналарда: азот аммоний 1,8 мг/л - 4,2 мг/л гача, нитритлар 0,06 мг/л - 0,24 мг/л гача, нитратлар 5,8 мг/л - 8,5 мг/л гача ошиши қайд этилди. 4,5,6-контур сувларида ушбу кўрсаткичлар: азот аммоний 1,5 мг/л - 1,6 мг/л гача, нитритлар 0,04 мг/л, нитратлар 5,4 мг/л - 5,6 мг/л гача микдорда учраши сув таҳлил натижалари асосида ўрганилди.

Ҳозирги кунда Денгизкўл табиий сув ҳавзаси ҳудудида ов аҳамиятига эга асосий балиқ турларини аниқлаш бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилди. Олинган натижалар 1-расмда келтирилган. Денгизкўл табиий сув ҳавзаси ҳудудида ов аҳамиятига эга балиқ турлари каторига -*Cyprinus carpio*, *Silurus glanis*, *Channa argus warpachowskii*, *Carassius auratus gibelio*, *Rutilus rutilus aralensis*, ўсимликхўрдан- *Hypophthalmichthys molitrix*, *Ctenopharyngodon idella* каби балиқлар ташкил қилади. Денгизкўл сув ҳавзаси ихтиофаунасининг оилалар бўйича турлар нисбати таҳлил қилинди. Денгизкўл ихтиофаунаси 2021 йилда систематик таҳлил қилинганида, унда 6 оиллага мансуб турлар учраши қайд этилди. Жумладан, балиқ турларининг 70% (12 тур) *Cyprinidae*, 6% дан (1 турдан) *Siluridae*, *Percidae*, *Poecilidae*, *Cobtidae*, *Channidae* оилалар вакиллари ташкил этди.



**1-расм. Денгизкўл табиий сув ҳавзаси ихтиофаунасининг оилалар бўйича турлар нисбати, %**

Денгизкўл табиий сув ҳавзаси сув таъминотида эътибор қаратадиган бўлсак, турли контурларнинг сув билан таъминланиши ва унга боғлиқ гидрокимёвий таркибнинг доимий бўлмаслиги, жорий ихтиофаунанинг ўзгарувчанлигини ҳам белгилаб бериши кузатилди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Денгизкўл ихтиофаунасининг контурлар бўйича тақсимооти**


№	Балиқ турлари	Балиқ овланган жой					
		1-контур	2 контур	3 контур	4 контур	5 контур	6 контур
1	* <i>Rutilus rutilus aralensis</i> (Berg)	+	+	+	+		+
2	* <i>Ctenopharyngodon idella</i> (Valencinnes)	+	+				
3	<i>Gobio gobio lepidolaemus</i> (Kessler)	+	+	+	+		+
4	* <i>Alburnus chalcoides aralensis</i> (Berg)	+		+			
5	<i>Alburnoides bipunctatus eichwaldi</i> (De Flippe)	+	+	+			
6	<i>Pseudorasbora parva</i> (Temminck et Schlegel)	+	+	+	+	+	
7	* <i>Abramis brama orientalis</i> (Berg)	+		+			
8	* <i>Carassius auratus gibelio</i> (Bloch)	+	+	+	+	+	+
9	* <i>Cyprinus carpio</i> (Linnaeus)	+	+	+			
10	* <i>Hypophthalmichthys molitrix</i> (Valenciennes)	+	+				
11	<i>Abbottina rivularis</i> (Basilewskiy)	+	+	+	+		+
12	<i>Hemiculter leucisculus</i> (Basilewsky 1855)		+	+			
13	* <i>Silurus glanis</i> (Linnaeus)	+	+	+			
14	* <i>Sander lucioperca</i> (Linnaeus)	+	+	+			
15	<i>Gambusia holbrooki</i> (Girard)	+	+	+	+	+	+
16	<i>Rhinogobius brunneus</i> (Temminck etSchlegel)	+	+	+	+	+	+
17	* <i>Channa argus warpachowskii</i> (Berg)	+	+	+			
	<b>Жами</b>	<b>16</b>	<b>15</b>	<b>15</b>	<b>7</b>	<b>4</b>	<b>6</b>

*Изоҳ-\** ушбу белги овладиган балиқларни кўрсатади

Кўлнинг 1-контурда коллектор сувларининг кўпайиши кеч куз фаслидан эрта баҳоргача давом этиб, мазкур контур ихтиофаунасида *Alburnus chalcoides aralensis*, *Pseudorasbora parva*, *Rutilus rutilus aralensis*, *Carassius auratus gibelio* каби балиқлар устунлик қилса, Аму-Бухоро канали сувининг кўпайиши натижасида, ташлама (заҳира) канал орқали баҳор фаслининг биринчи ярмида шаклланадиган ихтиофаунада эса *Ctenopharyngodon idella* Val., *Abramis brama orientalis*, *Hypophthalmichthys molitrix*, *Sander lucioperca*, *Channa argus warpachowskii* каби балиқлар ов тўрларига кўпроқ тушади. Бу ҳолат табиий сув ҳавзанинг 3-контурига ҳам хос бўлиб, *Ctenopharyngodon idella* ва *Hypophthalmichthys molitrix* каби балиқ турлари бундан мустасно.

2-контур ихтиофаунаси Туркменистон коллектори ҳисобига шаклланган бўлиб, ушбу контурда *Hemiculter leucisculus*, *Rhinogobius brunneus*, *Abbottina rivularis*, *Channa argus warpachowskii*, *Abramis brama orientalis* каби балиқлар мавсумий тарзда учраб туриши аниқланди. Кўлнинг 3-контур ихтиофаунаси шаклланишида ҳам нисбий ўзгарувчанлик мавжуд бўлиб, у мавсумий аҳамиятга эга. Айниқса, 1-контурдан доимий сув кириши ҳисобига ушбу контурларда балиқ турларининг ўхшашлиги кузатилди. Аму-Бухоро каналидаги сувнинг бошқарилиши натижасида 3-контур ихтиофаунаси таркиби, Аму-Бухоро канали ихтиофаунаси билан ўхшашликни намоён қилади. Унга кўра *Abramis brama orientalis*, *Rutilus rutilus aralensis*, *Carassius auratus gibelio*, *Sander lucioperca*, *Alburnus chalcoides aralensis* каби балиқ турларини кўплаб учраши аниқланди.

Денгизкўл сув ҳавзасидан жами 149 та намуналар йиғилиб тадқиқот ишлари амалга оширилди. Денгизкўл сув ҳавзаси сувўтларининг таксономик таҳлили натижалари 2-расмда келтирилган.



**2-расм. Денгизкўл сув ҳавзаси сувўтларининг таксономик таҳлилининг гистограммаси**

Денгизкўл сув ҳавзаси ҳудудида микроскопик сув ўтлар 4 бўлим, 9 синф, 19 тартиб, 25 оила, 32 туркумга мансуб 123 тур ва тур хилларидан ташкил топган. Денгизкўл сув ҳавзаси ҳудудидаги алоҳида-алоҳида барча контурлардаги фитопланктон организмларнинг турларини аниқланди.

Денгизкўл табиий сув ҳавзасининг микроскопик сувўтлари контурлар кесимида таҳлил қилганда, кўлга сув қуйиладиган ҳудудларда турлар сони юқорилиги, сув қуйилиш қисмидан узоқлашган ҳудудларда эса аксинча турлар сони камлиги аниқланди. Хусусан, Денгизкўл коллектори қуйиладиган 1-контурда фитопланктонларнинг 114 тури учраса, Туркманистон республикаси коллектори қуйиладиган 2-контур сувликларида 100 тури ва АБМК- 2 ташлама канали қуйиладиган 3-контурда уларнинг 89 тури тарқалганлиги қайд этилди.

Яшил фитопланктонлардан физиологик фаол моддаларга бой бўлган *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. турларининг альгологик тоза ҳужайралари ажратилиб, улар лаборатория ва ярим ишлаб чиқариш шароитида кўпайтирилди ҳамда *Hypophthalmichthys molitrix* Val. балиқларига озуқа сифатида қўлланилди.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **“Денгизкўл сувида фитопланктонлар ва макрофитларни кўпайтириш биотехнологияси, уларнинг балиқчиликдаги аҳамияти”** бўйича олинган маълумотлар келтирилган.

Тажрибаларда Денгизкўл 2-контур сувида ва 2,4,6 г/л гўнг шарбати сақлаган озуқа муҳитларида яшил сувўтлари ҳужайраларининг кўпайиши ва ҳўл биомасса миқдори бўйича олинган маълумотлар келтирилган.

1- тажрибада 2 г/л парранда гўнг шарбати аралаштириб ўстирилган *Chlorella vulgaris* Beijer. ҳужайралари сони 43,6 млн/мл ни, 4 г/л да 46,5 млн/мл ни, 6 г/л да эса 43,8 млн/мл ни ташкил қилди. Айнан шу тажрибада 2 г/л парранда гўнги шарбати аралаштириб ўстирилган *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. ҳужайралар сони 44,5 млн/мл ни, 4 г/л да 50,5 млн/мл ни, 6 г/л да эса 46,3 млн/мл бўлди.

2- тажрибада 2 г/л қорамол гўнг шарбати аралаштириб ўстирилган *Chlorella vulgaris* Beijer. ҳужайралар сони 33,5 млн/мл ни, 4 г/л да 33,6 млн/мл ни, 6 г/л да эса 33,7 млн/мл га етди. Тажрибада 2 г/л қорамол гўнг шарбати аралаштириб ўстирилган *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. ҳужайралар сони 33,6 млн/мл ни, 4 г/л да 34,3 млн/мл ни, 6 г/л да эса 34,8 млн/мл гача ошиши қайд этилди.

3- тажрибада фитопланктонларни ўстириш учун тенг миқдорда парранда ва қорамол гўнг шарбати аралаштирилган озукадан фойдаланилди. Унга кўра кўл сувига 2 г/л ли озуқа аралаштириб ўстирилган *Chlorella vulgaris* Beijer. ҳужайралар сони 6 кундан сўнг 33,4 млн/мл ни, 4 г/л да 38,7 млн/мл ни, 6 г/л да эса 38,5 млн/мл бўлди. Шу тажрибада кўл суви ва 2 г/л озуқа аралаштириб ўстирилган *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. ҳужайралар сони 6 кундан сўнг 35,6 млн/мл ни, 4 г/л да 41,0 млн/мл ни, 6 г/л да эса 40,5 млн/мл га етди.


Тадқиқотнинг назорат варианты сифатида ўтказилган тажрибаларда *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. ҳужайралари

кўлнинг иккинчи контуридан келтирилган сувларга экилди. Назорат вариантыдаги *Chlorella vulgaris* Beijer. хужайралари сони 6 кундан сўнг 31,4 млн/мл ни, *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. хужайралар сони эса 33,3 млн/мл ни ташкил этиши аниқланди.

Тажрибалар натижасига кўра, *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. сувўтларининг жадал ўсиб ривожланиши ҳамда кўп миқдорда ҳўл биомасса ҳосил қилиши учун парранда гўнг шарбатининг 4 г/л ли озукa муҳити энг самарали эканлиги тажрибалар асосида исботланди.

*Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. сувўтларининг энг юқори самарадорлиги 4 г/л ли парранда гўнг шарбати аралаштирилган озукa муҳити бўлиб, 6 кундан сўнг *Chlorella vulgaris* Beijer. хужайралари сони 46,5 млн/мл ни, *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. хужайралари сони 50,5 млн/мл ни ташкил қилди. Унга мос равишда ҳўл биомасса миқдори *Chlorella vulgaris* Beijer. да 2,4 г/л ни, *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. да эса 2,8 г/л га ошиши тажрибалар давомида қайд этилди.

Кейинги тадқиқотларимизда озукa муҳитига турли хил концентрацияли парранда гўнги шарбатини қўллаш орқали лаборатория ва ярим ишлаб шароитида етиштирилган *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. сувўтлари биомассаларининг таркибидаги умумий оқсил миқдори ўрганилди (3,4-расм).




**3-расм. Денгизкўл сув ҳавзасида етиштирилган *Chlorella vulgaris* Beijer. таркибидаги умумий оқсил миқдори**

Денгизкўл сув ҳавзасининг барча контурлари сувларига 4 г/л парранда гўнг шарбати аралаштирилиб ўстирилган *Chlorella vulgaris* Beijer. хужайралари таркибида оқсил миқдори юқори, 2 г/л да паст ва 6 г/л да ўртача эканлиги аниқланди. Кўлнинг контурлари ўзаро таққосланганда, 1,2,3 контурларда *Chlorella vulgaris* Beijer. хужайралари таркибидаги оқсил миқдори 46%, 48% ва 37% ни, 4,5,6 контурларда эса 34%, 33% ва 33% ни ташкил этиши аниқланди. Олинган натижалар бўйича энг юқори маҳсулдорлик 1 ва 2 контурларда қайд этилди.



Денгизкўлнинг барча контурлари сувларида 2,4,6 г/л парранда гўнг шарбати араштирилиб ўстирилган *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. хужайралари таркибидаги оксил миқдори лаборатория шароитида текширилди. Унга кўра 1,2,3 контурларда 4 г/л парранда гўнг шарбати аралаштириб ўстирилган хужайралар таркибида оксил миқдори юқори яъни 56%, 59% ва 54% ни ташкил қилди. 2 г/л да 44%, 46% ва 42% ни ташкил этса, 6 г/л да -51%, 52% ҳамда 48% ни ташкил қилиши қайд этилди. Сув ҳавзасининг қолган контурларида бу кўрсаткич қийматининг пастлиги аниқланди.



**4-расм. Денгизкўл сув ҳавзасида етиштирилган *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. таркибидаги умумий оксил миқдори, %**

Денгизкўл сув ҳавзаси контурларида етиштирилган яшил сувўтлари таркибидаги оксиллар миқдорининг нисбатан фарқланиши контурлар суви минералланиш даражасининг кўлга сув кириш қисмларида паст ва ундан узоқлашган контурларда юқори бўлиши билан боғлиқ бўлди. Шунинг учун таркибида оксил миқдори юқори бўлган яшил сувўтлари *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. ни ўстиришда 1,2,3 контурлар сувига 4 г/л парранда гўнг шарбати аралаштирилган вариант энг оптимал озиқавий муҳит ҳисобланади.

Тажрибалар натижасида, яъни *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. ўсимликларининг зовур сувларида кўпайиши натижасида муаллақ моддаларнинг ва қуруқ қолдиқлар қийматининг камайиши, сувда эриган кислороднинг 8,8-10,5 мг/л гача ошганлиги аниқланди.

Сувнинг таркибидаги органик моддалар микроорганизмлар таъсирида парчаланиб, *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. ўсимликлари томонидан тўлиқ ўзлаштирилганлиги аниқланди. Зовур сувлари таркибидаги азотли аммоний, нитритлар, нитратларнинг *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. ўсимликларининг кўпайиши учун сарфланганлиги маълум бўлди. Сув таркибидаги хлоридлар зовур сувида 2372 дан 1394 г/л га пасайганлиги, Денгизкўлда эса 3998,9 дан 2350 г/л гача ва сульфатларнинг



миқдори зовур сувида 3914 дан 2115 г/л гача, Денгизкўл суви таркибида эса 4034 дан 1995 г/л гача пасайганлиги аниқланди.

Ярим ишлаб чиқариш шароитида Денгизкўл табиий сув ҳавзасининг худудида балиқчилик хўжаликлари яқинида қурилган бассейнларига 4 г/л парранда гўнги шарбати солиниб, уларга юксак сув ўсимликлари *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. лар алоҳида экилиб, уларнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда кўпайиши аниқланиб борилди. Тажрибалар давомида 1 м<sup>2</sup> сув юзасига 100 граммдан *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. лар алоҳида экилиб, 10 кун мобайнидаги кузатишлар натижасида *Lemna minor* L. 950 г/м<sup>2</sup>, *Azolla caroliniana* Willd. 910 г/м<sup>2</sup> бўлди.

Денгизкўл сувида кўпайтирилган *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. юксак сув ўсимликлари *Ctenopharyngodon idella* Val. балиқларига қўшимча озуқа сифатида қўлланилиш самарадорлиги асосланди.

Ўтхўр балиқларни биотехнологик усулда етиштирилган фитопланктонлар билан озиқлантириб, кўпайтириш учун балиқчилик хўжаликлари атрофида ташкил этилган ҳовузларда тажрибалар амалга оширилди. Тажрибалар учун танланган тўртала ҳовузларнинг узунлиги 50 метр, эни 10 метр ва чуқурлиги 2 метрни ташкил қилди.


Ҳовузлар назорат ва тажриба ҳовузларига ажратилди ва рақамланди. Биринчи назорат ва тажриба ҳовузларига 200 донадан оғирлиги ўртача 129,5-131,5 грамм, тана узунлиги ўртача 25,1-24,8 см катталикидаги *Hypophthalmichthys molitrix* Val. балиқлари ташланди. Иккинчи назорат ва тажриба ҳовузларига ҳам 200 донадан оғирлиги ўртача 146,5-147 грамм, тана узунлиги ўртача 18,6-18,9 см катталикидаги *Ctenopharyngodon idella* Val. балиқлари ташланди.

Биринчи назорат вариантыдаги ҳовузлардаги балиқлар фақат сувдаги мавжуд фитопланктонлар билан озиқланди. Тажриба ҳовузида *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. апрель ойидан октябрь ойининг бошларигача мунтазам равишда *Hypophthalmichthys molitrix* Val. балиқларини боқадиган ҳовузларига альголизация қилиб турилди. *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. ларнинг сони 6,5-7,0 млн/мл гача ошганлиги ҳамда сувда эриган кислород миқдори 11,5-13,0 мг/л гача кўпайганлиги аниқланди.

Иккала ҳовузлардаги *Hypophthalmichthys molitrix* Val. балиқларининг оғирлик ва тана узунлиги тажриба ўртасида (15 июл) ўлчанганда, назорат ҳовузида оғирлиги ўртача 665 грамм ва тана узунлиги 33,5 см ни, тажриба ҳовузида эса балиқларнинг ўртача вазни 758,5 грамм ва тана узунлиги 34,8 см ни ташкил этиши қайд этилди. Тажрибалар асосан апрел ойидан октябрь (15 октябрь) ойигача олиб борилди. Тадқиқотларнинг охирида *Hypophthalmichthys molitrix* Val. балиқлари назорат ҳовузида оғирлиги ўртача 1363 грамм ва тана узунлиги 38,3 см ни, тажриба ҳовузида етиштирилган балиқларнинг ўртача оғирлиги 1697,5 грамм ва тана узунлиги 41,5 см га етганлиги аниқланди.

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, 2021 йилда ташланган 130 граммли балиқларнинг тажриба ва назорат вариантларидаги фарқи 334,5

грамм га етди. Йил охирида балиқлар оғирлиги назоратга нисбатан 332,5 грамм, балиқ маҳсулдорлиги эса 24,54 % га ошганлиги қайд этилди (5-расм).



**5-расм. Оқ дўнгпешона *Hypophthalmichthys molitrix* Val. балиғининг ўсиш кўрсаткичи (2021 йил апрел-октябр ойлари)**


Денгизкўл сув ҳавзасидаги “Умиджон Чарос Файз” ва “Жавоҳир Мирзо Саҳоват балиғи” МЧЖ га қарашли балиқчилик хўжаликларида 2020-2021 йилларда *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. нинг тоза альгологик хужайраси ярим ишлаб чиқариш шароитида ўстирилиб, *Hypophthalmichthys molitrix* Val. балиқларига кўшимча озуқа сифатида қўлланилганда балиқ маҳсулдорлиги 100-104 кг/га дан кўшимча 116-121,7 кг/га ошганлиги аниқланди. Бундай шароитда *Hypophthalmichthys molitrix* Val. балиғи маҳсулдорлиги 16,5% га ошиб, сувда кислород миқдорининг кўпайиши кузатилди.

Юксак сув ўсимликлари ва гулли ўсимликларнинг яшил қисми ўтхўр балиқлар - *Ctenopharyngodon idella* Val. балиғининг асосий озуқаси ҳисобланади. Тажрибалар давомида Денгизкўл сув ҳавзасидаги юксак сув ўсимликларнинг турларини ва маҳсулдорли даражаларини ҳам ўргандик.

Денгизкўл тажриба ҳовузларида ривожланувчи *Ctenopharyngodon idella* Val. балиқларига юксак сув ўсимликларидан *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. ларни қўллаш натижасида унинг маҳсулдорлиги 30,44 % гача ошганлиги аниқланди.

Тажриба ҳовузларга *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. ўсимликларини экиш апрель ойининг бошларида амалга оширилди. Назорат ва тажрибада учун олинган балиқларнинг ўртача оғирлиги 146,5-146 грамм эди. Тажриба варианти ҳовузига ҳар 2-3 суткада балиқларнинг озикланиш рационага кўра, 4,5-5,0 % ҳисобида *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. биомассаси бериб турилди.

Йил охирига келиб тажрибадаги балиқларнинг ўртача битта балиқ оғирлиги 1359,2 граммни, назоратдаги балиқларнинг ўртача оғирлиги эса 1136,5 граммни ташкил қилди. Назорат ва тажриба кесимидаги фарқ 222,7 грамм бўлди. Йил охирида балиқлар оғирлиги назоратга нисбатан 222,2 грамм, балиқ маҳсулдорлиги эса 19,6 % га ошганлиги қайд этилди (6-расм).



**6-расм. Оқ амур *Ctenopharyngodon idella* Val. балиғининг 2021 йил апрел-октябр ойларидаги ўсиш кўрсаткичи, г**

2021 йилда Денгизкўлдаги “Жавоҳир Мирзо Саҳоват балиғи” МЧЖ га қарашли балиқчилик хўжалигида *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. билан озиклантириш ҳисобига *Ctenopharyngodon idella* Val. балиғи маҳсулдорлиги 5,8%, ҳамда “Умиджон Чарос Файз” МЧЖ га қарашли балиқчилик хўжалигида *Ctenopharyngodon idella* Val. балиғи маҳсулдорлигини 8% га оширишга эришилди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Денгизкўл сувининг гидрокимёвий таркибини ўрганишлар натижасида, минераллашув даражаси нисбатан юқорилиги аниқланиб, унинг тебраниш даражаси мавсумий ўзгариш хусусияти ҳамда сув таркибидаги хлоридлар ва сульфатлар миқдори билан бевосита боғлиқлиги аниқланган.

2. Денгизкўл сув ҳавзаси ихтиофаунаси ўрганилганилиб, 6 оилага мансуб 17 тур балиқлар учраши ва уларнинг 12 тури – *Cyprinidae* ҳамда 1 турдан - *Cobitidae*, *Siluridae*, *Percidae*, *Poeciliidae*, *Channidae* оиласига мансуб балиқ турлари аниқланган.

3. Денгизкўл сув ҳавзасида фитопланктон сувўтларнинг 4 бўлим, 9 синф, 19 тартиб, 25 оила, 32 туркумга мансуб 123 турдан иборатлиги ва *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. нинг альгологик тоза

хужайраларининг жадал кўпайишиши эвазига сувни органо-минерал моддалардан тозалаш даражасининг юқорилиги аниқланган.

4. Денгизкўл сув ҳавасида учрайдиган юксак ва юксак сув ўсимликларининг 24 оилага мансуб 69 тури мавжуд бўлиб, 36 тури ксерофит, 16 тури гигрофит, 11 тури гидрофит ва 6 тури гидатофит экологик гуруҳларига мансублиги баҳоланган.

5. Лаборатория ва ярим ишлаб чиқариш шароитида минерал ўғитлар билан бир қаторда 4 г/л товук гўнги шарбатида микроскопик сувўтларни кўпайтиришнинг биотехнологик усули ишлаб чиқилиб, товук гўнгидан тайёрланган гўнг шарбатига экилган *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. ларнинг 6 кун давомида хужайралар сонининг назорат вариантыга нисбатан 24,5 марта ошишига эришилган.

6. Ярим ишлаб чиқариш шароитида 4 г/ли товук гўнг шарбатига 1 м<sup>2</sup> сув юзасига 100 граммдан экилган *Lemna minor* L. 10 кун давомида 950 г/м<sup>2</sup>, *Azolla caroliniana* Willd. эса 910 г/м<sup>2</sup> гача кўпайиши асосланган.

7. Фитопланктон ва юксак сув ўсимликлари биомассаси кўпайтирилиб, балиқчилик хўжаликларида ўтхўр балиқларга қўшимча озиқа сифатида қўлланилганда *Hypophthalmichthys molitrix* Val. 16,5%, *Ctenopharyngodon idella* Val. балиғи маҳсулдорлигини эса 5,8-8% гача оширишга эришилган.

### **ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР**

1. Ўзбекистоннинг текислик қисмида тарқалган кўллар ва зовур сувларининг минераллашув даражасини пасайтириш ва кўп миқдорда ўтхўр балиқларнинг озиқланиши учун биомасса олишда микроскопик сув ўтлари *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. ҳамда юксак сув ўсимликлари *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. лардан фойдаланиш тавсия қилинади.

2. Денгизкўл сувидан фойдаланиб, парранда гўнг шарбатида тубан сув ўтлари *Chlorella vulgaris* Beijer. ва *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kütz. ҳамда юксак сув ўсимликларидан *Lemna minor* L. ва *Azolla caroliniana* Willd. кўпайтирилиб, ҳосил бўлган яшил биомассада *Hypophthalmichthys molitrix* Val. ва *Ctenopharyngodon idella* Val. балиқларини озиқлантириш орқали маҳсулдорликни ошириш ҳамда балиқлаштиришда фойдаланиш таклиф этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.72.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ШОДМОНОВ ФЕРУЗЖОН КАМАРИДДИНОВИЧ**

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ ВИДОВ РЫБ ВОДОЁМА ДЕНГИЗКУЛЬ И  
БИОТЕХНОЛОГИЯ РАЗМНОЖЕНИЯ ИХ РАСТИТЕЛЬНЫХ  
РАЗНОВИДНОСТЕЙ**

**03.00.12 – Биотехнология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована под номером B2021.2.PhD/B619 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) и на Информационном образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))

Научный руководитель:

Бурнев Сулаймон Буриевич  
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Муродова Сайёра Собировна  
доктор биологических наук, профессор

Джумаев Фарход Ходжикурбанович  
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Хорезмская академия Маъмуна

Защита диссертации состоится 28.12 2022 года в "14<sup>00</sup>" часов на собрании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.72.02. по присуждению научных степеней при Бухарском государственном университете, (Адрес: 200117, город Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: (+99865 221-29-14); факс: (+99865 221-26-12); e-mail: [bsu\\_info@edu.uz](mailto:bsu_info@edu.uz), Здание Бухарского государственного университета, Блок № 1, 2 - этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована под номером 240). (Адрес: 200117, город Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: (99865 221-29-14), факс: (+99865) 221-26-12.

Автореферат диссертации разослан "15" 12 2022 года

(Протокол реестра рассылки № 9 от "15" 12 2022 года)



А.Э. Холлиев  
Председатель Научного совета по  
присуждению научных степеней,  
д.б.н., профессор

Н.Э. Рашидов  
Секретарь Научного совета  
по присуждению научных  
степеней, к.б.н., доцент

Х.Т. Артикова  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
научных степеней, д.б.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Обеспечение населения качественными продуктами питания, особенно рыбной продукцией, в условиях изменения климата, истощения природных ресурсов, изменения окружающей среды остаётся одной из самых актуальных задач в мире. Особое внимание при этом уделяется повышению продуктивности рыбы за счёт применения современных методов обеспечения устойчивости внешних и внутренних водоёмов, особенно эффективного использования рыбных запасов во внутренних водоёмах, сохранения биоразнообразия гидробионтов, поэтому разработка эффективных биотехнологических методов их использования посредством определения гидрохимического состояния естественных и искусственных водоёмов, особенно озёр и водохранилищ, расположенных на равнине, имеет большое научное и практическое значение.

В мире особое внимание уделяется углубленному мониторингу водоёмов, находящихся под биотическим и абиотическим воздействием, разработке эффективных методов выявления и устранения факторов, негативно влияющих на состояние гидробионтов в них. В связи с этим, в частности, были определены изменения гидрологического и гидрохимического состояния внутренних водоёмов, распространённых на исследуемых территориях, и разработаны пути развития рыбного хозяйства с использованием некоторых гидробионтов, в том числе, хлореллы и сцендесмуса из состава водорослей, малой ряски и азоллы из состава макрофитных растений. С точки зрения развития рыбного хозяйства выявление растительноядных видов рыб и макрофитов и микроводорослей, также разработка экологически эффективных методов размножения их перспективных видов посредством биотехнологических методов являются источником повышения рыбопродуктивности. С этой точки зрения важное научное и практическое значение имеет повышение рыбопродуктивности в результате использования биомассы, полученной при разведении питательных видов водных растений, в качестве подкормки для растительноядных рыб.

В настоящее время особое внимание уделяется мониторингу гидрологического и гидрохимического состояния водных объектов нашей республики, развитию рыбной отрасли. В частности, реализуется программа постоянного переселения растительноядных рыб из семейства карповых в озёра и водохранилища на равнинах нашей страны, коренным образом усовершенствована система управления водоёмами, упорядочены способы использования ресурсов внутренних водоёмов, озёр и водохранилищ, разработаны меры по развитию рыбного хозяйства в искусственных водоёмах.

Задачи, связанные с развитием рыбного хозяйства, обозначены в Постановлениях Президента Республики Узбекистан<sup>2</sup>, в частности, задача

---

<sup>2</sup> Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП-2939 от 1 мая 2017 года «О мерах по совершенствованию системы управления рыбной отраслью» и № ПП-4005 от 6 ноября 2018 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию рыбной отрасли».

«эффективного использования искусственных и естественных водоёмов» определена в Постановлении № ПП-2939, а «фокусирование внимания на развитии интенсивных методов аквакультуры» - в Постановлении № ПП-4005. Исходя из этих задач, большое научное и практическое значение имеет создание биотехнологических методов их эффективного использования и разработка мероприятий, направленных на улучшение экологического состояния озера путём выявления ихтиофауны, гидрологических и гидробиологических условий Денгизкуля, а также макрофитных и микрофитных видов растительности.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2939 от 1 мая 2017 года «О мерах по совершенствованию системы управления рыбной отраслью» и № ПП-3823 от 2 июля 2018 года «О мерах по повышению эффективности использования водных ресурсов», Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 719 от 13 сентября 2017 года «О мерах по комплексному развитию рыбной отрасли» и № 845 от 18 октября 2017 года «О мерах по укреплению кормовой базы отраслей животноводства и рыбководства», а также других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

